



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ



«ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ
ШАРОИТИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, АУДИТ ВА
ТАҲЛИЛНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙўНАЛИШЛАРИ»
мавзусидаги

Республика илмий-амалий конференцияси
2014 йил 7 июнь

ТЕЗИСЛАР ҲЎПЛАМИ



ТОШКЕНТ

«Иқтисодийни модернизация қилиш шароитида бухгалтерия ҳисоби, аудит ва таҳлилни такомиллаштириш йўналишлари» мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси маъруза тезислари тўплами. – Т.: ТМИ, 2014. 160 бет.

Мазкур тўпланда иқтисодий ислохотлар шароитида бухгалтерия ҳисоби, аудит ва иқтисодий таҳлилни такомиллаштиришнинг долзарб масалаларига бағишланган илмий тезислар умумлаштирилган. Шунингдек, тўпланда бухгалтерия ҳисоби, аудит ва иқтисодий таҳлил ўтказиш услубиётини такомиллаштиришда жаҳон тажрибасида фойдаланиш, корхоналарда аудит ва молиявий таҳлилни ўтказишда, кредит ахбороти билан алмашинувнинг аҳамияти, аудиторлик фаолиятининг сифатини ошириш масалалари, электрон ҳисоботни шакллантириш, иқтисодийни модернизациялаш шароитида солиқ тизимини такомиллаштириш бўйича бухгалтерия ҳисоби, аудит ва иқтисодий таҳлилнинг масалалари алоҳида тўхтатишган.

Тўплам профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар, илмий тадқиқотчилар, амалиётчи мутахассислар ҳамда аудиторлар учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:
ТМИ ректори У.Ў.Азизов

Таҳрир хайъати:

и.ф.д., проф. А.А.Каримов, и.ф.д., проф. Н.Х.Ҳайдаров
и.ф.н., доц. Ж.Э.Қурбонбоев, и.ф.н., доц. Ж.Э.Қудайбергенов
и.ф.н., доц. Б.О.Болибеков, и.ф.н., доц. И.Н.Қўзиев
и.ф.н., доц. Б.Ж.Ҳақимов, и.ф.н., и.ф.н., доц. У.А.Нурманов
к.ўк. С.А.Жуманазаров

Тақризчилар:

и.ф.д., проф. З.Н.Қурбонов
и.ф.д., проф. А.А.Сотиволдиев
и.ф.н., доц. З.А.Авлоқулов

Конференция ташкилотчиси: Тошкент молия институти.

Мазкур тўпланда киритилган материал таъсирчанлиги, мазмун, ундаги статистик маълумотлар ва илмий ҳужжатларнинг тўғриликка ҳамда тўғридан-тўғри факр-мулоҳазаларга, келтирилган таърифларга муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.

КИРИШ

Ўтказилаётган илмий-амалий анжуманимиз бугунги куннинг энг долзарб мавзуларидан бирига бағишланган. Яъни, мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналишлари ҳамда 2014 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишидаги маърузаларида таъкидлаганларидек: «Юртимизда қабул қилинган 2011-2015 йилларда саноатни устувор даражада ривожлантириш дастури ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир тармок дастурларининг изчил амалга оширилиши натижасида саноат таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган, рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаётган қайта ишлаш тармокларининг ўрни тобора ортиб бормокда. Ўз олдимишга қўйган асосий мақсадимиз – бошлаган ислохотларимиз, иқтисодийтимизни янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларини давом эттириш ва чуқурлаштириш, ҳаётимиз даражаси ва сифатини изчил ошириб боришни таъминлаш, тенглар ичида тенг бўлиб, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашдан иборатди».

Бу устувор вазифаларни амалга ошириш ишлаб чиқариш қувватларининг халқаро миқёсда рақобатбардошлигини таъминловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Рақобатбардош иқтисодийни ривожлантириш шароитида хўжалик субъектларини модернизация қилиш янги хўжалик муомалалари бухгалтерия ҳисоби ва аудитини қайта ташкил этиш ҳамда бу фанларни янги талаблар даражасида такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқармокда.

Бухгалтерия ҳисобининг ислох қилиниши, энг аввало, хўжалик субъектларда молиявий ҳисоботларни тўғри тузиш ва ўз вақтида тақдим этилишини такомиллашувига хизмат қилмокда. Бугунги кунда молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш бўйича меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, улар ёрдамида халқаро талабларга жавоб берадиган молиявий ҳисоботлар тақдим этилмокда, ҳамда изчил бошқарув қарорларини қабул қилишга хизмат қилмокда. Бухгалтерия ҳисоби, аудит ва иқтисодий таҳлил услубиётини такомиллаштиришда жаҳон тажрибасидан фойдаланиш, иқтисодий ахборот сифатини янада оширмокда.

Институтимизда таълим-тарбия жараёнини замонавий педагогик технологиялар асосида сифатли ва самарали ташкил қилиш билан бирга, илмий тадқиқот ишларини ҳам тизимли муайян мақсадга йўналтирилган ҳолда ривожлантиришга катта эътибор қаратилмокда.

ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИДА ЎЗАРО ҚАРЗЛАРНИ КАМАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Нурманов У., ТМИ доценти

Иқтисодий адабиётларда дебиторлик қарзларини бошқариш масалалари жорий активларнинг муҳим таркибий қисми сифатида илмий тадқиқотларнинг предметиға айланмаган, балки, дебиторлик қарзларининг мавжудлиги хўжалик субъектининг молиявий бошқарувидаги салбий ҳолатлар сифатида баҳолаб келинган.

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида Республикамиздаги хўжалик субъектларида дебиторлик ва кредиторлик қарзлари бевосита хўжалик субъекти билан қарши тамон ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларда келиб чиқадиган мажбуриятлардир. Бу мажбуриятлар хўжалик субъекти билан мол етказиб берувчилар ёки харидорлар ўртасидаги муносабатларда, хўжалик субъекти билан банк ташкилотлар ўртасида, хўжалик субъекти билан солиқ органлари ўртасидаги, хўжалик субъекти билан ижтимоий таъминот бўлимлари ва турли жамоат ташкилотлари, шунингдек, ходимлар, мулк эгалари, акциядорлар ва инвесторлар билан бўладиган муносабатларда юзага келади. Уларнинг юзага келишининг асосий сабаби ҳисоб-китобларда вақтнинг ўзгарувчанлигидир. Яъни, бугун ортилган маҳсулот ҳам пули тўлангунга қадар дебиторлик ва кредиторлик қарзлар қаторига киритилади. Бунда даромад ва ҳаражатларнинг юзага чиқиши билан улар бўйича ҳисоб китобларнинг амалга ошиши орасида фарқланиш келиб чиқади.

Хўжалик субъектларида жорий дебиторлик қарзларни ўрганишнинг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- жорий дебиторлик қарзлар таркиби ва динамикасини ўрганиш;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ўртасидаги фарқларни аниқлаш ва баҳолаш;
- жорий дебиторлик қарзларининг мақбул ҳолга келтиришни тартибга солиш бўйича тегишли бошқарув қарорларини тайёрлаш;
- жорий дебиторлик қарзларининг юзага келиш сабабларини аниқлаш ва қарздорликни камайтириш йўллари кўрсатиб бериш;
- дебиторлик қарзларини юзага келиш муддатлари бўйича таснифлаш ва уларни ундирилишига баҳо бериш ва бошқалар.

Жорий дебиторлик қарзларининг юзага келиши бўйича қуйидаги сабаб қаторларини таркиблаш мумкин:

- ўзаро ҳисоб-китобларда томонларнинг тўлов лаёқатиға эга эмаслиги;
- товарларни ортиб жўнатиш ва сотишда ҳисоб китобларнинг замонавий шакллариининг чекланганлиги;
- мулк ва унга эгалик қилишда масъуллик ҳиссининг йўқлиги;

– ўзаро шартномавий муносабатларнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги;

– даромадларни тан олиш юзасидан корхоналар тармоқ хусусиятидан келиб чиқилмаганлиги;

– кредит ташкилотлари билан мнжоз ўртасида бўладиган муносабатларда корхоналар фаолиятини баҳолашнинг услубий асосларидаги камчиликлар;

– суғурта ташкилотлари билан корхоналар ўртасидаги муносабатларда катъий давлат қонунчилик механизмининг мавжуд эмаслиги ва бошқа сабабларни киритиш мумкин.

Юқорида келтирилганидек, хўжалик субъектида жорий дебиторлик қарзларининг юзага келишининг асосий сабаби ҳисоб китобларда тўловлар муддатининг ёки санасининг турли ҳисобот давриға тушиб қолишидир. Бунда дебиторлик қарзларининг юзага чиқишиға ҳар қандай ҳолда ҳам йўл қўйилади. Агарда маҳсулотлар ортиб жўнатиш орқали сотиладиган бўлса бунда тўловлар амалга ошиш санасиға қадар, агарда товарлар пулини олдиндан тўлаш асосида сотиладиган бўлса бунда ҳам товарларни жўнатиш санасиға қадар мажбурият, қарз сифатида ҳисобда акс эттирилади.

ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАР ТАЙЁРЛОВ ҲАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИ ВА АУДИТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Хайитбоев М., ТМИ катта ўқитувчиси

Ражаббаев А., ТМИ талабаси

Хом-ашёлар ишлаб чиқариш омили сифатида меҳнат воситалари ва ишчи кучи билан бирға корхоналарнинг ишлаб чиқариш жараёнини таъминлайди. Ҳозирги иқтисодий шароитда, яъни эҳтиёжлар чексизлиги ва доимо ўсиб бориши, ҳамда иқтисодий ресурсларнинг чекланганлиги шароитида корхоналар ишлаб чиқариш захираларидан самарали фойдаланиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг оптимал миқдорини топа олишлари керак. Корхоналар, нафақат кишилиқ жамиятининг эҳтиёжларини максимал даражада қондиришлари керак, балки ишлаб чиқариш захираларини тежашлари лозим.

Корхоналарда бозор муносабатлари шароитида хом-ашёлар, материаллар, ёқилғилар ва электр-энергиялар ҳаражатлари салмоғини камайтиришға ўхшаган сифат кўрсаткичларига алоҳида эътибор беришлари керак. Бунга эса илғор конструкцион материаллардан, металл упалари (порошоклари) ва пластмассалардан, қиммат турадиган материаллар ўрниға маҳсулот сифатиға у қадар таъсир кўрсатмайдиган, ишлаб чиқариш чиқиндиларини камайтирадиган ўринбосар материаллардан фойдаланиш орқали эришиш мумкин бўлади.

средств хлопкоочистительной отрасли.....	264
Чинкулов Қ., Хабибуллаев А., Аликулов М. Маҳсулот таннарихига киритиладиган харажатларни миллий ҳамда халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш истиқболлари.....	266
Hakimov S., Jumanazarov S. Korxona moliyaviy risklarini baholash.....	268
Хасанова Н., Болтаев Т. Развитие аудита в Узбекистане.....	270
Choriyev I., Xalilov Sh. Mehnat resurslari harakati va xodimlar qo'nimsizligi tahlili.....	272
Шамиев Ш. Роль экономического анализа в рыночных условиях управления производством.....	274
Махаммаджонов Ж., Абдуллаева С. Чем занимается базельский комитет надзора?.....	276
Bekbergenov G'., Kulliyev I. Bonus to'lovli hayotni uzoq muddatli sug'urta xizmati va uning iqtisodiy samarasi.....	278
Shamiyev Sh., Allayorov Sh. Bozor iqtisodiyoti sharoitida buxgalteriya hisobining ahamiyati.....	280
Абдуллаев М., Якубов У. Замонавий ҳисоб китоблар.....	282
Umarova A., O'rinov A. Davlatimizda amalga oshirilayotgan investitsiya islohotlari.....	283
Temirov A., Shadmanbekova K. The importance of learning foreign languages.....	284
Saidov B., Samadova N. Xo'jalik sub'ektlarining mahsulot ishlab chiqarish hajmini tahlili.....	287
Rahmatullaev Sh., Jumanazarov S. «Korxona va debitor» munosabatlarida bank xizmatlarining o'rni va ahamiyati.....	289
Ҳакимов С., Якубов У. Корхона иқтисодий фаолиятини самарали ташкил этилишда бизнес режанинг роли ва аҳамияти.....	291
Умарова А., Хабибуллаев А. Отражение в аудиторском отчете достаточной и убедительной информации по международными стандартами аудита.....	292
Ҳожиёв М. Нодавлат нотижорат ташкилотларни - юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш.....	295
Тожибоева Ш., Каримов К. Савдо корхоналарида асосий фаолиятдан олинган фойдани таҳлил қилиш хусусиятлари.....	296
Obidov R., Norboev Sh. Xo'jalik yurituvchi sub'ektlarda moliyaviy natijalar hisobini takomillashtirish.....	298
Xudoyqulov K., Iskanov X. Bozor iqtisodiyoti sharoitida mahsulot (ish, xizmat)larni sotishdan olingan moliyaviy natijalarni tahlil etishning ahamiyati.....	299

Obidov R., Rozimurodova S. Iqtisodiyotni modernizatsiyalash sharoitida moliyaviy hisobotni tashkil qilish.....	301
Ne'matjonova M., Ismoilova M. Iqtisodiyotni modernizatsiya qilish sharoitida O'zbekistonda auditorlik faoliyatini takomillashtirish chora-tadbirlari.....	302
Jumanazarov S., Kichik biznes va tadbirkorlik sub'ektlari faoliyatining tashkiliy asoslari.....	303
Shamiyev Sh., Muxtorova U. Kichik biznes korxonalari moliyaviy hisobini yuritishning ustuvor yo'nalishlari.....	306
Тожибекова Д., Хабибуллаев А., Аликулов М. Дебитор-кредитор қарздорлик корхона молиявий ҳолатини белгилловчи омил.....	307
Мухаммедова Д., Атоева Н. Необходимость управленческого учёта при автономной системе ведения бухгалтерского учёта.....	309
Хўжамқулова Х., Миркаримов Б., Холиёров У., Ирисов Ф. Илмий-инновация усули иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш муомаларни ечиш асослари.....	311
Yuldasheva A. Siddikov SH. Iqtisodiyotni modernizatsiyalash sharoitida nomoddiy aktivlarning ahamiyati.....	313
Saidov B., Jumaniyozov I. Korxonalarni boshqarishda iqtisodiy tahlilning ahamiyati.....	315
Shermamatov X., Rahmonov Sh. Ishlab chiqarishni boshqarishda ichki nazoratning zaruriyati.....	316
Болибеков Б. Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудитни такомиллаштириш.....	317
Bafoev O. The role of rating agencies in the commercial banks' activities....	318
Khodgimuhamedova SH., To'raev A. Soliqlar xalqning farovon hayoti mezonini.....	324
Хайитбоев М., Омонов А. Инвестиция компаниялари фаолиятининг ўзига хос хусусияти.....	326
Хайдаров Р. Внешний контроль качества аудита (отечественный опыт).....	327
Ғаниев З., Умирзоқов А. Транспорт ташкилотларида ишлаб чиқариш захиралари ҳисобининг мақсади ва вазифалари.....	329
Хайитбоев М., Абдираимов Қ. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида молиявий назоратнинг аҳамияти.....	330
Нурманов У. Хўжалик субъектларида ўзаро қарзларни камайтириш йўллари.....	332
Хайитбоев М., Ражаббаев А. Товар-моддий захиралар тайёрлов харажатлари ҳисоби ва аудитининг вазифалари.....	333